

ИФТИХОР



ТЕЗРОҚ, БАЛАНДРОҚ, КУЧЛИРОҚ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СПОРТИМИЗ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

Ханчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтган XIX ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз кеча юртимизга қайтиб келди. Тошкент халқаро аэропортида спорт делегациямиз аъзолари тантанали кутиб олинди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари ва яқинлари, журналистлар жам бўлди.

Президентимизнинг спорт делегациямиз аъзоларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон спорт тарихида янги саҳифа очган XIX ёзги Осиё ўйинларидаги музаффарият билан муборакбод этди. Жумладан, Осиё ўйинлари чемпиони Баҳодир Жалолов, Шарифа Давронова ва мураббийлар юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ инсон бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шугулланиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган шарт-шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди. Келгусида бундан-да юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда беришди.

XIX ёзги Осиё ўйинларини кутаринки кайфиятда яқунладик, — деди кураш миллий спорт тури бўйича

терма жамоамиз мураббийи Ризамат Солиев. — Миллий курашчимиз — миллий фахримиз! Унинг Осиё ўйинларида киритилгани бизни янада гурулантиради. Ҳар бир давлат миллий спорт бундай нуфузли спорт ўйинлари дастурига киритилишини хоҳлайди. Мусобақада 4 олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритдик. Келгуси Олимпия ўйинларида бундан-да катта ютуқларга эришамиз, деган умиддаман.

Қаҳрамонларимизни кутиб олганларнинг чехраси шодон, қувонч, шукроналик, хотиржамликдан кўнгли кўтарилган.

— Хурсандчилигимнинг чеки йўқ, — дейди Абдумалик Халақовнинг онаси Ниғора Якубова. — Нафақат ўғлимнинг, у билан бирга барча спортчиларимизнинг ғалабаси ҳам бизни қувонтирди. Айниқса, Президентимизнинг табриги бизни янада хурсанд қилди. Бу ютуқлар замирида давлатимизнинг спортга эътибори, қўллаб-қувватлови турибди. Ўғлим у ёқдан туриб бизга кўнгирак қилганида, шароитлар аъло

даражада экани, улардан фақат беллашувларга пухта тайёргарлик кўриш сўралаётганини айтди. Шундай шароит яратиб берилганга яна бир бор раҳмат. Ўғлим ғолиблик орқали 2024 йил Парижда ўтайдиган Олимпиадага йўланма олди. Насиб этса, олтин медал олишига ишонаман.

Ҳассос ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир табрик учун минбарга йўл олди. Атлетларимизнинг мардонвор кураши, ғалаба шуқуҳига бағишланган шеър янгради. Тадбирнинг бадий қисмида Ўзбекистон халқ артисти, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Фаррух Зокиров ҳамда эстрада хонандаларининг Ватан мадҳи тараннум этилган қўшиқлари маросимга янада файз бағишлади.

Маросимдан сўнг спортчиларимиз жой олган махсус автобуслар пойтахтимиз кўчалари бўйлаб Миллий Олимпия кўмитаси томон йўлга чиқди. Йўл четидаги одамлар чемпионларга қўл силтаган, болакайлар ҳавас билан қараган: “Мен ҳам катта бўлсам, чемпион бўламан!”.

Ихлос билан чин юракдан қилинган ниятлар, албатта, амалга ошажак. Зеро, янги Ўзбекистонда меҳнат қилган инсон азиз ва қадрли.

Бугун жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга берилаётган эътибор юртимизда ёш авлоднинг баркамол бўлишига хизмат қилиб, халқаро аренада юртимиз довергини дунёга ёймоқда.

Бу борада тизимли ислохотлар амалга оширилди. Президентимиз иштирокида спортни янада ривожлантириш борасида мутахассислар билан доимий равишда тақдирот ва учрашувлар ўтказилди. Хусусан, 2022 йил 1 апрель куни ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш, уша йил 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор бўлиб ўтди.

▶ Давоми 3-бетда



ҚУТЛАМОҚ ШАРАФ

(XIX ёзги Осиё ўйинларида зафар қучган спортчиларимизга)

Хушxabар хуш ёқар бори элларга,
Қувонч қувват берар асли дилларга,
Байроқ ярашади ғолиб қўлларга,
Кучли беишталикда ўзбекча садаф,
Ғолибин қутламоқ халқига шараф!

Сизнинг қалбингизда Ватан камоли,
Сизнинг чехрангизда Ватан жамоли,
Янги Ўзбекистон — янги иқболи,
Соф ният аталар — ушалган матлаб,
Сизларни қутламоқ биз учун шараф!

Йигирма иккита олтин шодаси,
Бу ўзбек халқига шодлик бодаси,
Оламни тутмишдир хуш овозаси,
Улар қўксингизда турар ярқираб,
Олтин соҳибларин қутламоқ шараф!

Майли, у Осиё, майли, у Фарбдир,
Баҳодир бокси — ўзбекча зарбдир.
Музаффар, Муроджон бу — янги сафдир,
Боболар, момолар дуосин жамлаб,
Марди майдонларни қутламоқ шараф!

Ёвқур Тўмариснинг ёруғ излари,
Осиё ўйинларин ғолиб қизлари,
Йигирма тўрт медаль — ойдек юзлари,
Тахмина, Сафина, Шарифа, Зайнаб,
Нечун шеър ёзмайин Сизларни қутлаб?!

Ўттиз бир бронза, ўн саккиз кумуш,
Бу кўкдан тушмади — бу ҳалол юмуш.
Кимлар бунни ҳатто кўрмай кетди туш,
Майдон мардникидир, мардлар биз тараф,
Сизларни қутламоқ бизларга шараф!

Ҳар улуг иш учун имкон керакдир,
Имкон яратувчи инсон керакдир,
Юртбошим нияти — тоғдек юксакдир,
Сизларга толедан бахту тахт тилаб,
Она халқимизни қутламоқ шараф!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАМКОРЛИК

СТРАТЕГИК ВА СЕРҚИРРА ШЕРИКЛИК РИВОЖИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги очиқлик, яқин қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва конструктив мулоқот тамойиллари натижасида узоқ ва яқин хориз давлатлари билан серқирра шериклик алоқалари қўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойлари ана шундай муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлди. Президентимиз сентябрь ойи ўрталари ва октябрь ойи бошида жами 5 та хорижий давлатга сафар қилди.

▶ Давоми 2-бетда

МОЛИЯ БОЗОРИ



“ЯШИЛ” СУВЕРЕН ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАР

ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Ўтган ҳафта охирида мамлакатимиз молия соҳасида рўй берган муҳим бир янгилик оммавий ахборот воситаларида трендга айланди. Ўзбекистон Республикаси илк бор 4,25 триллион сўм миқдоридидаги “яшил” суверен халқаро облигациялар ҳамда 660 миллион долларлик халқаро облигацияларни Лондон фонд биржасига жойлаштирди. Бинобарин, сўмда чиқарилган суверен халқаро облигациялар МДХ давлатлари ичиди илк “яшил” қимматли қоғозлар ҳисобланади.

▶ Давоми 4-бетда

ЖАРАЁН

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ФЕСТИВАЛИ

Шу ҳафта ўтказиладиган мазкур тадбирнинг аҳамияти хусусида

Жорий йил 11–15 октябрь кунлари пойтахтимизда Тошкент архитектура фестивали бўлиб ўтади. Бу бежиз эмас. Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари тобора кенгайиб, янги массив ва шаҳарлар барпо этиляпти. Булар эса, ўз навбатида, соҳа мутахассислари ўзаро тажриба алмашиши, замонавий архитектура тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашни талаб этади. Фестиваль шу жиҳатдан зарур тадбирдир.

▶ Давоми 4-бетда

ХАМКОРЛИК

СТРАТЕГИК
ВА СЕРҚИРРА
ШЕРИКЛИК РИВОЖИ

Сухроб БҲРОНОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети доценти, сиёсий
фанлар бўйича фалсафа
доктори

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
РОССИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ
ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН
НАТИЖАЛАР, БҮЛИБ ЎТГАН
ТАДБИРЛАР, МУЗОКАРА
УЧРАШУВЛАРИ, УМУМАН,
ИНТЕНСИВ СИЁСИЙ, САВДО-
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ-
ГУМАНИТАР ҲАМКОРЛИК
АЛОҚАЛАРИ ИККИ ТОМОН
ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ВА
СЕРҚИРРА ШЕРИКЛИК РИВОЖИ
ЙЎЛИДА ТАШЛАНАЁТГАН
КАТТА ҚАДАМЛАРДИР.



Йилда Россия 18,6 фоиз товар айирбошлаш
улуши билан биринчи ўринни эгаллаган бўл-
са, Ўзбекистон экспортида Россиянинг улуши
16,1 фоиз, импортда эса 20,3 фоизни ташкил
этиди. Жорий йилнинг 8 оyi яқунларига кўра,
Ўзбекистоннинг Россия билан савдо айлан-
маси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4
фоиз ўсиб, 6167,9 миллион долларга, экспорт
5,1 фоиз ошиб, 1973,5 миллион долларга, им-
порт 8,5 фоиз ўсиб, 4194,4 миллион долларга
етди. Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо ай-
ланмасида Россиянинг улуши 15,4 фоиз, экс-
портдаги улуши 12 фоиз, импортдаги улуши
17,8 фоизни ташкил этди.

Икки томонлама савдо ҳамкорлигининг ўзи-
га хос жиҳати шундаки, илгари ўзаро товар
айирбошлаш таркибининг аксариятини хом-
ашё ташкил этган бўлса, бугунги кунда савдо-
нинг 70 фоизи юқори қўшилган қийматли маҳ-
сулотларга тўғри келмоқда.

Россияга ташриф доирасида икки мамла-
кат ҳуқуқлари ва вазирликлари томонидан
10 та ҳужжат алмашилган савдо-иқтисодий
ва инвестициявий ҳамкорликлар суръатига
катта туртки беради.

Россиядан Қозоғистон ҳудуди орқали Ўзбе-
кистонга табиий газ етказиб беришга қаратил-
ган стратегик лойиҳага старт берилиши тари-
хий аҳамиятга эга бўлди. Россия авваллари
Марказий Осиёда, жумладан, Қозоғистон ва
Ўзбекистонда бундай йирик газ лойиҳаларига
қўл урмаган эди.

Бошланиш 1-бетда

Жумладан, 14-15 сентябрда Марказий
Осиё давлатларининг маслаҳат учрашуви
доирасида Тожикистонга, 19-20 сентябрда
БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси ва
Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда АҚШ
етақчиларининг "С5+1" формати доирасида-
ги биринчи саммити боис, АҚШга борди. Шу-
нингдек, давлатимиз раҳбари 28-30 сентябрда
Марказий Осиё — Германия биринчи саммити
доирасида Германияга, 1-2 октябрь кунлари
Қатар давлатига, 5-7 октябрь саналарида эса
Россия Федерациясига ташриф бурди. Ушбу
ташрифлар ва бу жараёнда илгари сурилган
ғоя ва ташаббуслар халқаро ҳамжамиятнинг
Марказий Осиё минтақасига, айниқса, Ўзбе-
кистонга қизиқиши тобора кучайиб бораётган-
нинг яна бир тасдиғи бўлди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Рос-
сияга расмий ташрифи ва икки томонлама
стратегик шериклик алоқаларининг серқир-
ра ривожига ҳақиқат тўхталсак, Ўзбекистон ва
Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик
муносабатларига эга яқин ҳамкор давлат-
лар ҳисобланади. 2022 йилда Ўзбекистон ва
Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик
шериклик тўғрисида имзоланган декларация
ўзаро муносабатларнинг юқори босқичга кў-



тарилишида катта ўрин тутди. Бундан таш-
қари, икки давлат етакчиларининг 2023 йил
январь ойдан октябрь ойигача бўлган теле-
фон орқали мулоқоти ва ўзаро ташрифлари-
дан ҳам икки томонлама муносабатларнинг
олий даражада эканини кўриш мумкин. Маса-
лан, шу вақт оралиғида Шавкат Мирзиёев ва
Владимир Путин ўртасида 9 марта телефон
орқали мулоқот қилинган бўлса, давлати-
миз раҳбарининг Москвага 2 марта ташрифи
амалга оширилди.

Сиёсий алоқалар нафақат давлат раҳбар-
лари даражасида, балки ҳуқуқматларро, ва-
зирликлар ўртасида ва ҳудудларро миқёсда
ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. Айниқ-
са, ҳудудларро алоқалар кучайди. Икки мам-
лакат ҳудудлари раҳбарлари жорий йилнинг
дастлабки ярмида 50 га яқин ташрифни амалга
оширгани юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Россияга ташрифининг биринчи манзили
бўлган Қозон шаҳрида эришилган келишу-
лар ва давлатимиз раҳбари ташрифидан бир
кун аввал бўлиб ўтган учинчи Ўзбекистон —
Россия ҳудудларро форуми ҳам стратегик
шериклик ривожининг янги саҳифасини очиб
берди.

Россия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо
шерикларидан бири. Иқтисодий тадқиқотлар
ва ислохотлар маркази таҳлиliga кўра, 2022
йилда Ўзбекистоннинг Россия билан товар
айирбошлаш ҳажми 23,6 фоиз ўсиб, 9329,8
миллион долларни ташкил этди. Экспорт се-
зиларли даражада — 48,4 фоиз ўсиб, 3099,1
миллион долларга, импорт 14,1 фоиз ўсиб,
6230,7 миллион долларга етди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳамкорла-
ри орасида ўзаро савдо ҳажми бўйича 2022

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳам-
корлик ривожига маданий-гуманитар соҳа-
нинг ҳам катта ўрни бор. Бу борада таълим
йўналиши алоҳида ажралиб туради. Мам-
лакатимизда сўнгги тўрт йил ичида Россия-
нинг 11 та университети филиали очилган,
ҳозир улар сони жами 14 тани ташкил этиши
инobatга олинса, Ўзбекистон Россиянинг
хориждаги университетлари филиаллари
сони бўйича етақчи экани намoён бўлади.
Шунингдек, ҳозир Россия таълим муассаса-
ларида 63 минг ўзбек талабаси таҳсил ол-
моқда. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш
мақсадида Ўзбекистон ва Россия ректорла-
ри форуми мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Москвада "Лазги" миллий балети премь-
ераси, Ўзбекистон маданияти кунлари,
мамлакатимизда эса "Россия фасллари"
лоийҳаси доирасидаги тадбирлар бўлиб ўт-
гани, давлат раҳбарлари 2024-2025 йиллар-
га мўлжалланган маданий ҳамкорлик дасту-
рини қабул қилишга келишиб олгани ушбу
соҳадаги ҳамкорликни юқори баҳолашимиз-
га асос бўлади.

Иил бошидан буён Ўзбекистонда россия-
лик сайёҳлар оқими 20 фоиз ошди. Бу Ўзбе-
кистон туризм жозиқдорлигига россиялик
сайёҳларнинг ҳам қизиқиши ортиб бораётган-
дан далolat беради.

Ўзбекистон Президентининг Россияга
расмий ташрифи давомида эришилган на-
тижалар, бўлиб ўтган тадбирлар, музокара
учрашувлари, умуман, интенсив сиёсий, сав-
до-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкор-
лик алоқалари икки томон ўртасидаги стра-
тегик ва серқирра шериклик ривожига
ташланаётган катта қадамлардир.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Мамлакатимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати
дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос
бўлиши мумкин эмаслиги, "Инсон қадри учун" тамойили
Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари
фаолиятида бош мезон бўлиши шартлиги қатъий талабдир.
Шу боис, юртимиздаги ислохотлар, жумладан, Бош
қонунимизда инсон қадри, манфаати учун хизмат қиладиган
нормалар аввалгисидан уч баробар кўпайди.

Саидбек АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман) котибияти мудир

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари,
қонуний манфаатларини ишончли таъмин-
лаш демократик янгилишларнинг устувор
йўналишларидан. Бу жараёнда давлат ва
ҳўжалик бошқаруви органлари, суд-ҳуқуқ
идоралари, шунингдек, мансабдор шахслар
— давлат амалдорлари фаолияти устидан
парламент назоратини кучайтириш орқали
инсон ҳуқуқлари таъминланишига эришиш
мумкин.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича
вакили (омбудсман) давлат органлари, корхо-
налар, муассасалар, ташкилотлар ва мансаб-



2023 йилнинг 9 оyi давомида омбудсманга Ўзбекистон, хорижий
давлатлар фуқаролари ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган
шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслардан жами
10 минг 211 мурожаат келиб тушди. Бу мурожаатлар мунтазам таҳлил
қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар
ишлаб чиқилади. Чунки мурожаатлар таҳлили соҳалардаги тизимли
масалаларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

дор шахслар томонидан инсонларнинг ҳуқуқ
ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчилик ҳуж-
жатларига риоя қилиниши устидан парламент
назоратини таъминлаш ваколатига эга.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги
қонунчиликнинг умумэтироф этилган тамойил-
лари ҳамда халқаро нормаларга уйғунли-
гини таъминлаш мақсадида уларни таҳлил
қилиб бориш парламент омбудсманининг асо-
сий вазифаларидан биридир.


Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда қонун ижод-
корлиги фаолияти инсон ҳуқуқлари, эркинлик-
лари ҳамда қонуний манфаатларини кафо-
латловчи энг муҳим қонундор асосланади.
Ушбу талаб миллий қонунчиликни инсон ҳу-
қуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэти-
роф этилган норма ва принципларига муво-
фиқлаштириш орқали таъминланади.

Қонунчиликни такомиллаштиришга доир
фаолият самардорлиги қонун лойиҳаларини
ҳар томонлама ҳуқуқий экспертизадан ўтқа-
зишга боғлиқдир. Жумладан, ҳуқуқни ҳимоя
қилишга оид қонун лойиҳаларининг экспе-
ртисаи ўта муҳим ва мураккаб жараён бўлиб,
уларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қо-
нуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

Омбудсман институти Бош прокуратура,
Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ин-
сон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, бошқа
идоралар томонидан ишлаб чиқилиб, Олий
Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган,

"project.gov.uz" орқали келиб тушган қонун
лоийҳалари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжат-
ларни ўрганиб чиқади. Хусусан, 2023 йилнинг
9 оyi давомида 20 та қонун лойиҳаси ва бош-
қа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг
150 моддаси ва бандига таклиф ҳамда муло-
ҳазалар билдирилди.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид ечимини
кутаётган муаммолар аynдан мурожаатлар
билан ишлаб бўйича қўндалик амалиётда,



мониторинг ташрифлари ва ўрганишларида
юзага чиқади. Шу нуктаи назардан, янги-
ланган Конституциямида омбудсман ин-
ститути қонунчилик таклифларини қонунчи-
лик ташаббуси тартибидан парламент куйи
палатасига киритишга ҳақли экани белги-
лаб қўйилди.

БИЗ ВА ДУНЁ

САМАРҚАНД ШАҲРИ БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ
ТАШКИЛОТИНИНГ 25-СЕССИЯСИГА МЕЗБОНЛИК
ҚИЛАЁТГАНИ УЧУН МИННАТДОРЛИК БИЛДИРИЛДИ

Жорий йил
5 октябрь куни
Эроннинг Ардабил
шаҳрида ўтказилган
Иқтисодий ҳамкорлик
ташкilotига (ИХТ)
аъзо давлатлар туризм
вазирларининг
5-йигилишида
Ўзбекистоннинг
Эрондаги элчиси
Баҳодир Абдуллаев
бошчилигидаги
делегацияси иштирок
этиди.



Тадбир якуни бўйича Ардабил деклара-
цияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда 2022
йил 13 декабрь куни Ўзбекистон раислигида
ўтказилган ИХТга аъзо давлатлар туризм ва-
зирларининг 4-йигилиши ва унинг доирасида
қабул қилинган "ИХТ минтақасида COVID-19
пандемиясидан кейин туризм соҳасини жадал
тиклаш, хавфсиз ва барқарор ривожлантириш
бўйича "Йул харитаси" ижросининг ижобий
натижалари кайд этилгани баробарида Шаҳ-
рисабз шаҳри 2024 йилда ИХТ туризм пойтах-
ти, деб эътироф этилгани муносабати билан
қўндалди.

Шунингдек, 2023 йилда Самарқанд шаҳри
Бутунжаҳон туризм ташкilotининг (UNWTO)
25-сессиясига мезбонлик қиладигани учун
Ўзбекистонга миннатдорлик билдирилди. Бу,
шубҳасиз, нафақат мамлакатимиз, балки бу-
тун минтақа учун қўлай имконият экани қайд
этилди.

Тадбир доирасида Ардабил губернатори
Сейид Ҳамед Амелий билан бўлиб ўтган уч-
рашувда 2023 йил 18 июнь куни Ўзбекистон
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Техронга
ҳамда Эрон Президенти Сайид Иброҳим Раи-
сининг 2022 йил 14-16 сентябрь кунлари Са-

2023 йилнинг 9 оyi давомида омбудсман-
га Ўзбекистон, хорижий давлатлар фуқарола-
ри ва омбудсманлари, фуқаролиги бўлмаган
шахслар, жамоат ташкилотлари ва бошқа
юридик шахслардан жами 10 минг 211 муро-
жаат келиб тушди. Бу мурожаатлар мунтазам
таҳлил қилиниб, қонунчиликни такомиллашти-
риш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқи-
лади. Чунки мурожаатлар таҳлили соҳаларда-
ги тизимли масалаларни аниқлаш ва уларни
бартараф этиш имконини беради.

Омбудсман ҳаракатланиш эркинлиги чек-
ланган ёпиқ муассасаларда сақланаётган
маҳкум ва маҳбуслар мурожаатларини ҳам
кўриб чиқмоқда. Шунингдек, омбудсман ҳу-
зурида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз,
ғайриинсоний ёки қадр-қиммати камситув-
чи муомала ҳамда жазо турларининг олдини
олиш бўйича 2019 йили жорий этилган мил-
лий превентив механизм (МПМ) доирасида
пенитенциар муассасаларга жамоатчилик
вакиллари билан биргаликда мунтазам мо-
ниторинг ташрифларини амалга ошириши
йўлга қўйилди. Президентимизнинг 2021
йил 26 июндаги "Қийноққа солиш ҳолатла-
рини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ти-
зимини такомиллаштиришга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан
омбудсман ҳузуридаги МПМ фаолияти яна-
да такомиллаштирилди. Жумладан, қийноқ
ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини
олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил
этилди.

Қийноққа солиш ҳолатларининг олдини
олиш борасида жамоатчилик гуруҳлари билан
биргаликда жорий йилнинг 9 оyi даво-
мида қамоқда сақлаш жойларида 452 марта
мониторинг ташрифи амалга оширилди. Бу
кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисба-
тан 2 баробар ошган. Мониторинг ташриф-
лари давомида бу жойларда сақланаётган
шахсларнинг шароитлари, меҳнат қилиш,
тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларга нисба-
тан бўладиган муносабат ва муомала ҳолат-
лари ўрганилади ва улар билан суҳбатлар
ўтказилади.

2017–2023 йиллар давомида маҳкумлар-
нинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада такомил-
лаштиришга қаратилган 3 та қонун, Президент-
нинг 1 та фармони, 6 та қарори, ҳуқуқматнинг
11 та қарори ва фармоийши, 14 та бошқа нор-
матив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Қолаверса, Конституциямида ҳеч қим
қийноққа солиниши мумкин эмаслиги ҳамда
озодликдан маҳрум этилган шахсларга нис-
батан инсоний муомалада бўлиниши мус-
таҳкамланди.

Жорий йилнинг 8 май куни Олий Мажлис
палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро
этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳам-
да жамоатчилик фаоллари билан янгиланган
Конституцияни ҳаётга жорий этиш бўйича
чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган
мажлисда Президентимиз барқарор ривож-
ланиб бораётган иқтисодийта асосланган,
очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон,
унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари
сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига
кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қо-
зонган жамият барпо этиш асосий мақсадимиз
эканини алоҳида қайд этди.

Белгилаб берилган устувор йўналишлар,
ўз навбатида, парламент омбудсманига
мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлик-
лари, қонуний манфаатларини ҳимоя қи-
лиш ҳамда таъминлашда катта масъулият
юклайди.

марқандга расмий ташрифлари чоғида эри-
шилган келишувлар ижроси юзасидан ўзаро
фикр алмашилди.

Мулоқотда Ардабил ва Шаҳрисабз ўрта-
сидаги муштарак тарихий алоқалар қайд
этилар экан, ушбу икки шаҳар ўртасида би-
родорлашув муносабатларини ўрнатил ҳам-
да иқтисодий, туризм ва маданий алоқалар-
ни ривожлантириш таклифи илгари сурилди,
Ўзбекистон вилоятлари ва Ардабил шаҳри
ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни
амалга ошириш масаласи ҳам муҳокама
этилди.

Шунингдек, "Rahan Sazeh Consulting
Engineers" олма кўприклар қуриш ва "Proheal"
доривор ўсимликлар компаниялари раҳбар-
лари ҳамда Ардабил сайёҳлик агентликлари
уюшмаси раиси ва қатор сайёҳлик компания-
лари раҳбарлари ("ALMA Tour & Travel", "Mara
Tours", "Ershad Hotel & Hydrotherapy" ва ҳоказо-
) билан икки томонлама учрашувлар ўтқа-
зилди.

Учрашувлар чоғида Эроннинг туризм соҳа-
си вакиллари 2023 йил 16-20 октябрь кунлари
Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтажак Бутунжа-
ҳон туризм ташкilotининг (UNWTO) 25-сес-
сияси доирасидаги тадбирларга, жумладан,
инвестфорумга таклиф этилди.



ТЕЗРОҚ, БАЛАНДРОҚ, КУЧЛИРОҚ

19th Asian Games
Hangzhou 2022

Бошланғичи 1-бетда

Мазкур муҳокамаларда соҳадаги илмий салоҳият талаб даражасида эмаслиги айтилди. Маҳаллий олимплар томонидан бирорта спорт тури бўйича методика, дастур ишлаб чиқилмагани, спортчиларни тайёрлаш 30 йил олдинги дастурлар асосида кечаётгани танқидий баҳоланди. Спорт диетологияси, фармакологияси, психологияси, спорт муҳандислиги, кардиомашгулотлар бўйича мутахассислар тайёрланмаётгани, олимпия спорт турлари бўйича жисмоний ва рухий тайёрлаш, соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ислохотлар тадрижий давом этиб, жорий йил 6 апрелда Президентимиз ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди. Тақдимотда бу соҳаларда давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш ва уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтadиган ёзи Осие ва Парасоие ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ҳар томонлама тайёргарлиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш, уларда голиб сифатида медалларни қўлга киритган спортчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қайд этилди.

Мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида 2022 йил 5 майда Президентимизнинг "2023 йилда Ханчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтадиган XIX ёзи Осие ва IV Парасоие ўйинларида Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу бўйича "Йул харитаси" тузилиб, бажарилиши керак бўлган вазифалар белгиланган.

Бунинг самараси эса 23 сентябрдан 8 октябргача Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XIX ёзи Осие ўйинларида ўзининг амалий ифодасини топди. Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган мазкур нуфузли спорт анжуманида қўлчамизнинг 45 давлатидан 11 минг спортчи иштирок этди.

Чин диёрида ўтказилган беллашув Ўзбекистон учун саққизинчи ёзи Осие ўйинлари бўлди. Унда делегациямиз ўз тарихидаги энг катта таркиб — 32 та олимпия ва 6 та ноолимпия спорт турида жами 390 нафар (230 эркак, 160 аёл) атлет билан иштирок этди. Бўлажак Осие ўйинлари олдидан ҳар бир терма жамоа тайёргарлиги давлатимиз

томонидан тўла қўллаб-қувватланди, маҳаллий ва хорижий укув-машгулот йиғинлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг XIX ёзи Осие ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига йўллаган таърифта шундай сўзлар бор: "Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг юртимиз

Айниқса, финалда кучли рақиб — Япония терма жамоаси устидан қозонилган ғалаба икки қарра қувончли бўлди.

Миллий кураш спорт турида спортчиларимиз 4 та олтин, 1 та қумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритди.

Шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси делегациямиз ҳисобига қў-

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СПОРТИМИЗ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

ЯНА ОЛТИН МЕДАЛЛАР ОЛИБ, ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ!

Диёра КЕЛДИЁРОВА, дзюдо бўйича олтин медаль соҳиби:



— Осие ўйинларидан тарихий ғалабалар билан қайтиб келдик. Хитойга кетишдан олдин жамоамиз билан шундай яхши ният қилган эдик. Мақсадимизга эришдик. Тўғри, бизда бундан ҳам яхши натижага эришиш учун имкон кўп бўлди, ҳар қалай ютуқларимиз ёмон бўлмади. Ғалаба шуқуни жуда тоғли хис.

Президентимизнинг ўзи бизни шахсан қўллаб-қувватлаб тургани, ғалабага эришишимиз учун барча зарур шароитларни яратиб бергани ютуқларимиз омили бўлди. Халқимиз, мураббийларимиз бизни ҳар сония ғалаба сари руҳлантириб турди.

Спортчи учун рухий тайёргарлик, айниқса, жуда муҳим. Бу унинг кураш пайтида ўзига булган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ана шундай ишончга эга бўлганимиз учун барчага алоҳида раҳмат айтамыз.

Ҳар қандай спортчи ўз юртига, албатта, яхши натижалар билан қайтишни истаيدди. Спортчини олға ҳаракатлантириб турувчи куч ҳам аслида шу.

Бундай истак менда ҳам ҳар бир мусобақа олдидан кучаяди. Осие ўйинларида ҳам шундай бўлди, голиблик ҳиссини бошдан кечирдим.

Қайсидир ғалаба сизнинг кейинги ғалабангизга йул очади. Осие ўйинларидаги ғалаба Париж Олимпиадасида чемпион бўлишга ишончимни янада оширди.

Энди бутун эътиборимизни Парижга қаратиб, изчил тайёргарликларни бошлашимиз ҳамда яна олтин медаллар олиб, ишончни оқлаймиз!

байроғини баланд кўтариб, юқори уринларни эгаллаганингиз мамлакатимизда соғлом ва барқамол, ватанпарвар ёш авлодини — янги Ўзбекистон бунёдкорларини вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб бораётган кенг қуламли ислохотларимизнинг яна бир амалий натижаси сифатида барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди, миллионлаб тенгдошларингиз учун ўрнак ва намуна бўлиб хизмат қилади".

Вакиллар қилиши 20 та спорт тури бўйича медалларни қўлга киритди. Маз-

шалоқ медалларни тақдим қилди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда Нодирбек Абдусатторов 7 очко билан қумуш, Жавоҳир Синдорев эса 6,5 очко билан бронза медалга сазовор бўлди.

Дзюдочиларимиз аралаш жамоавий дастурда иккинчи ўринни эгаллади.

10 метрга пневматик милтиқдан отиш бўйича аралаш жамоавий дастурда иштирок этган Жавоҳир Соҳибов ва Мухтасар Тоҳирова жуфтлиги "Банкок — 1998" Осие ўйинларидан 25 йил ўтиб, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг шоҳсупага кўтарилишини таъминлади.

Осие ўйинларида замонавий бешкураш ва боксдан Париж — 2024 Олимпия ўйинларига жами 5 та йўлланма (лицензия) қўлга киритилди.

Албатта, бу натижалар бизга қувончли дамларни тортиқ этгани баробарида келгусидаги вазифаларга ҳам таянч бўлади. Бу борада ислохотлар давом этмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам муҳим вазифалар қайд этилган.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланадиган ёшлар қармовини кенгайтириш, миллий терма жамоаларга юқори малакали ва натижадор

спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, навбатдаги Осие ўйинларида ҳам Ўзбекистон спортчиларининг умумжамоа ҳисобида кучли давлатлар қаторида бўлиши каби устувор вазифалар белгиланган.

Албатта, миллий спортимиз тарихида ўзига хос из қолдираётган йигит-қизларимизни ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Зеро, мазкур муваффақиятлар замирида матонат, мардондор меҳнат муҳассас. Давлат мадҳияси арена бўлаб баралла янграши ва юртимиз байроғи мағрур ҳилпираши замирида катта меҳнат ва машаққат ётибди.

Қаратэ WKF йўналиши бўйича 17 йилдан сўнг юртимизга олтин медални тақдим этган Севинч Раҳимова "Мадҳия янграётганда шунча меҳнатларимиз кўз ўнгимдан ўтди", деганида ҳақ гапни айтиди. Чиндан ҳам, спортчиларимиз чикишларини кўриб, ота-оналари, қариндош-уруғ, устоз-мураббийлари ғурур ҳиссини туйгани шубҳасиз.



ХАЛҚИМИЗНИНГ ЧЕМПИОН ҚИЗИ БЎЛИБ ЮРАМАН

Дилноз МУРТАЗОЕВА, қилчбозлик дастурида (шпага бўйича) бронза медали соҳиби:



— 17 ёш бўлишимга қарамасдан, устозларимнинг, ота-онамнинг ишончи, давлатимизнинг қўллаб-қувватлови сабаб бу мусобақадан, албатта, голиб бўлиб қайтаман, деган мақсад кўйгандим.

Чорак финалда рақибим — япониялик Сато Нозоминини 15:14 ҳисобида мағлубиятга учратиб, устулликни қўлга киритдим ва ярим финалга чиқдим.

Ана шунда ўзимга ўзим "Дилноз, ҳаракат қилсанг, бўлар экан-ку. Охиригача ўзингга ишон", дедим.

Бироқ кейинги курашларда барибир ўш ва тажриба устун келди, рақибим ўзимдан анча катта эди. Шу тариқа, бронза медални қўлга киритдим.

Хитойдаги таасуротларимиз бир олам. Биз учун барча шароитлар яратиб берилди. Устозларимиз айтиб бергани ҳеч эсимдан чиқмайди. Авваллари бундай нуфузли мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар кўп қийинчиликларга дуч келган. Моддий томондан ҳам, маънавий томондан ҳам.

Лекин янги Ўзбекистон спортчиларига Хитойда алоҳида ҳурмат кўрсатилганининг ғувоҳи бўлдим. Хитойлик ва бошқа мамлакатдан келган спорт

ишқибозлари ҳам бизни қўллаб-қувватлаб турганидан фахрландим. Шунда кўнглимиздан ўтгани бир гап бўлди: мамлакатимиз доғруғи дунёга таралмоқда. Бизни ҳамма ҳурмат қилмоқда.

Келажақда мақсадларим янада улкан. Насиб этса, барча нуфузли мусобақаларда голибликни қўлга киритиб, халқимизнинг чемпиони қизи бўлиб юраман. Юртимиз байроғини ҳали кўп-кўп баланд кўтарамиз, мадҳиямизни юксак минбарларда туриб айтамыз. Чунки бунга имконимиз ҳам, куч-қувватимиз ҳам, шижоатимиз ҳам етади.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Жонибек АЛИЖОНОВ тайёрлади.

Билъакс, бу меҳнатни шараф билан адо этган, уларни ойнаи жаҳон орқали кўриб, муҳлислик қилган ўғил-қизларимизда кўлган ишонч ва масъулият уйғонгани сир эмас. Эртага уларнинг орасидан янги чемпионлар етишиб чиқади. Бу йўлда эса тизимли ва тўғри ислохотлар амалга оширилса бас.

Чунки олдинда забт этилиши керак бўлган чўққилар ҳали кўп. Париж Олимпиадасига пухта тайёргарлик кўриш, юқори савияда иштирок этиб, мамлакатимиз байроғини баландга кўтариш зарур. Бу йўлда эса спортчиларимиз бунгандан ҳаракат қилиши, ўз устида тинчликни ишлаши керак. Зеро, ҳаракатдан тўхтаган инсон бошқалардан ортда қолади. Тезроқ, баландроқ ва кучлироқ меҳнат қилишининг даври келди.

Дарвоқе, 22-28 октябрь кунлари Ханчжоуда IV Парасоие ўйинларида дастур олади. Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этади. 107 нафар спортчимиз сузиш, энгил атлетика, дзюдо, пауэрлифтинг, академик ва каноэда эшак зииш, ўқ отиш, стол теннис, шахмат, велоспорт, таэквондо каби спорт турларида қатнашади.

Сабр ва матонат тимсолига айланган, имконияти чекланган бўлса-да, ўзда куч ва ирода топиб, спортимиз ривож учун муносиб ҳисса қўшган ва қўшаётган йигит-қизларимиз иштироки муваффақиятли бўлишига ишонамыз.

Шерзод МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Medal Standings

The 19th Asian Games Hangzhou

Rank	Team/NOC	Gold	Silver	Bronze	Total
1	People's Republic of China	200	111	71	382
2	Japan	51	66	69	186
3	Republic of Korea	42	59	89	190
4	India	28	38	41	107
5	Uzbekistan	22	18	31	71

МОЛИЯ БОЗОРИ

“ЯШИЛ” СУВЕРЕН ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАР

ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

2022 йилда юзага келган геосийсий ҳолат туфайли халқаро молия бозорларидаги барқарорлик бузилиши натижасида фоиз ставкалари кўтарилиб кетди. Масалан, АҚШ долларидида жойлаштирган суверен облигацияларимизнинг даромадлиги иккиламчи бозорда 9,5 фоизгача ўсди. Албатта, бу мамлакатимизнинг олдинги йилларда жойлаштирган қимматли қозғалари фоиз тўловларига таъсир қилмайди, чунки улар ўзгармас (fixed) ҳисобланади.

Бошланғичи 1-бетда

Шу ўринда облигация ўзи нима ва у қандай мақсадларга хизмат қилади, деган саволга аниқлик киритиб ўтасан. Облигация — қийматига нисбатан эвасива қатъий беллеланган даромад келтирувчи қимматли қозғал, қарзни қайтариб бериш ва фоиз тўловини тасдиқловчи мажбуриятнома. Фонд биржаларида сотилади. Облигация аҳоли, корхона ва ташкилотлар қўлидаги пул маблағларини тўлаб, бирор мақсад йўлида сафарбар этиш учун чиқарилади.

Еврооблигациялар ёки евробондлар деб эмитент учун хоржий бўлган валютада чиқариладиган облигацияларга айтади. Мисол учун, Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорларида АҚШ долларидида жойлаштирган облигациялари еврооблигациялар деб аталади. Миллий валютада дунё молия бозорларида жойлаштирилган қимматли қозғалар эса суверен халқаро облигациялар ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ушбу қимматли қозғаларидан тушадиган маблағлар сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, темир йўл ва метро транспортини ривожлантириш, санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларига тозалини таъминлаш, шамол эрозиясига ва сув ҳўжалиги объектларининг кўм бошига қарши ихота дарахзорлари барпо этиш каби лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилгани боис, “яшил” суверен халқаро облигациялар деб аталади.

Шу мақсадда жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Нью-Йорк, Бостон ва Лондон шаҳарларида 50 дан ортиқ инвесторлар билан учрашувлар ўтказди. Мазкур мулоқотларда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, яшил иқтисодиётга ўтиш, табиий газ ва электр энергияси нархлари бозорини либераллаштириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш орқали савдо-сотиқни эркинлаштириш сиёсати ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва чора-тадбирлар инвесторлар томонидан юқори баҳоланади.

Қайд этиш жоиз, мазкур йўналишларни танлаб олиш жараёнига БМТнинг ривожланиш дастури жалб қилинган. “Яшил” облигациялар дастури бўйича “Sustainalytics” томонидан иккинчи тарафнинг ижобий ҳулосаси олинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, мамлакатимизнинг миллий валютадаги “яшил” облигацияларга бўлган юқори талабни инобатга олиб, 3 йиллик сўмдаги халқаро облигацияларнинг фоиз ставкаларини (купон тўловини) қўтилган 18 фоиздан 16,25 фоизга туширишга муваффақ бўлинди. Мазкур транзакция билан сўндириш мuddати жорий йилнинг 23 ноябрь кунини бўлган 1,9 триллион сўм миқдоридидаги халқаро облигациялар мuddатидан олдин сўндирилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ички молия бозорларида ўтказилган сўнгги аукционда (26 сентябрь) 2 йиллик давлат қимматли қозғалари бўйича фоиз ставкалари 17,57 фоизни ташкил қилган. Иккиламчи бозор котировкалари ҳамда инвесторлар таклифларидан келиб чиқиб, АҚШ долларидидаги мамлакатимизнинг 5 йиллик суверен халқаро облигациялари учун дастлабки фоиз ставкаси 8,50-8,625 фоиз оралиғида эълон қилинди.

Иккиламчи бозорда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилда сўндирилган халқаро облигациялари фоиз ставкаси 8,1 фоизга етган. Хусусан, сўнгги бир ҳафтада фоиз ставкалари 0,43 фоиз ошган. Бюртмалар китоби 1,7 миллиард долларга етганда, фоиз ставкалари 8,25-8,375 фоизга туширишга эришилди.

Яқини талаб 2 миллиард долларга етган, 660 миллион доллар миқдоридидаги облигациялар 8,125 фоиз ставкада ҳамда 7,85 фоиз купонда чиқарилди. Ушбу купон ставкаси молиявий маслаҳатчилар томонидан тавсия этилиб, халқаро облигацияларни инвесторларга 98,888

фоиз нархда сотилишини аниқлатади. Яъни мазкур транзакциядан 652,6 миллион доллар маблағ келиб тушади.

Бугунги кунда жаҳон молия бозоридида фоиз ставкаларининг ошиши кузатишмоқда. Хусусан, 5 йиллик АҚШ Ҳазначилик облигациялари фоиз ставкалари 2021 йил июль (сўнгги марта суверен облигациялар чиқарилган давр) ойига нисбатан қарийб 4 фоиз ошиб, 0,8 дан 4,7 фоизга ўсди.

Жаҳон молия бозоридида фоиз ставкаларининг кўтарилиши, мос равишда, халқаро молия институтларининг имтиёзли фоиз ставкаларининг ҳам кескин ошишига сабаб бўлмоқда. Халқаро кредит бозоридида ишлатиладиган SOFR (олдин LIBOR) ставкаси 2021 йил июль ойидан бери 0,17 фоиздан қарийб 5,3 фоизга, бугунги кунга келиб, 5,5 фоиз ошди. Шунинг учун халқаро молия институтлари томонидан жалб қилинаётган имтиёзли кредитлар бўйича фоиз ставкалари ҳам икки йил ичида 1-2 фоиздан, бугунги кунга келиб, 6,3-7 фоизга етди.

Жорий бозор шaroитлари сабабли бошқа мамлакатлар ҳам олдинги давр-батан юқори фоиз ставкаларига на-



лат қарзларини жалб қилмоқда. Мисол учун, Туркия жорий йил январь ойида 2,75 миллиард долларга тенг 10 йиллик суверен халқаро облигацияларини 9,75 фоиздан, Венгрия 1,25 миллиард долларга тенг 30 йиллик облигацияларини 7,1 фоиздан, Руминия ҳам худди шу қиймат ва мuddатдаги облигацияларини 7,67 фоиздан, Мўғулистон 445 миллион долларга тенг 5 йиллик халқаро облигацияларини 8,65 фоиздан, Миср эса жорий йил февраль ойида 1,5 миллиард долларга тенг 3 йиллик суверен халқаро облигацияларини 11 фоиздан, Баҳрайн икки ой ўтиб, апрелда 1 миллиард долларга тенг 12 йиллик облигацияларини 7,75 фоиздан жойлаштирган.

Яшил облигацияларни жойлаштиришдан келиб тушган маблағнинг сарф-лашиши юзасидан ҳисобот халқаро стандартларга мувофиқ шакллантирилади ва эълон қилиб борилади.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ АСОСИДА

2020 йил 19 ноябрь кунини илк бор Ўзбекистон Республикасининг 2 триллион сўм миқдоридида миллий валютадаги халқаро суверен облигациялари жаҳон бозорига жойлаштирилди. Ушбу транзакция ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг БМТ томонидан белгиланган “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га таъсири “JP Morgan Development Finance Institution” томонидан юқори баҳоланди ва транзакция “Ривожланишнинг молиялаштириш облигацияси” мақомини олди.

2021 йил 12 июль кунини яна Ўзбекистон “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га эришишга йўналтирилган 2,5 триллион сўм миқдоридида миллий валютадаги халқаро суверен облигациялари халқаро молия бозорига қўйди. Ушбу транзакция МДХ мамлакатлари томонидан чиқарилган биринчи БРМ облигациялари ҳисобланади.

Маълумки, БМТнинг 2030 йилгача



Барқарор ривожланиш бўйича кун тартибига 17 та мақсад киритилган бўлиб, улар асосан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражасини оширишга қаратилган. Мисол учун, қашоқликни камайтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш, муносиб иш ўринлари яратиш, таълим сифатини яхшилаш, гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инфратузилма барқарорлигини яратиш каби йўналишларни қамраб олади.

Ўзбекистон ҳам БМТнинг мақсадларига мос келадиган 16 та миллий БРМни ўз ичига олгани Барқарорлик моделини ишлаб чиқди. Бу — мамлакатимиз ҳукумати БРМга эришишга қатъий интилаётганидан далолат беради. Бироқ бу мақсадларга эришиш нафақат қатъийлик ва кучли ирода талаб қилади, балки катта миқдордаги инвестиция маблағлари ҳам зарур бўлади. БМТ Тарақийёт дастури (БарТ ТД) томонидан ўтказилган



баҳолаш натижаларига кўра, мамлакатимизнинг миллий БРМга эришиши учун йилгача 4,6-6 миллиард доллар миқдоридида инвестиция керак.

Шу сабабли зарур маблағни жалб қилиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан халқаро инвесторларни жалб қилиш ва миллий БРМга эришиш имконини берувчи тематик облигациялар чиқариш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада 2021 йилда Ўзбекистоннинг БРМ облигациялари дастури ишлаб чи-



қилди. Ушбу дастур халқаро стандартлар асосида тайёрланган бўлиб, БРМ облигацияларидан келиб тушган маблағнинг тақсимланиши, сарф-лашиши ва улар ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларни мониторинг қилиш механизмларини белгилаб беради.

Ўзбекистон облигация чиқариши ҳамда халқаро молия бозорига жойлаштириш дегани, олдин қилиб айтганда, бу — Ўзбекистон инвесторлардан маълум йиллик фоиз тўловини тўлаб бериш ва асосий қарзни белгиланган мuddатда қайтариш шarti билан қарз маблағини жалб қилди, дегани.

Мисол учун, 2021 йилда 2,5 триллион сўм миқдоридида 3 йил мuddатда йиллик 14 фоиз билан облигация чиқарилди, яъни халқаро инвесторлардан 3 йил давомида ҳар йили фақатгина 350 миллиард сўм миқдоридида фоиз тўловини тўлаб бериш, 2,5 триллион сўм миқдоридида асосий қарзни эса 3 йил ўтгач, қайтариб тўлаб бериш шarti билан қарз олинди. Бунинг учун халқаро инвесторлар олдида ушбу қарз маблағини фақат белгиланган мақсадлар учун сарфлаш мажбурияти зиммага олинди ва амалда шундай қилинди ҳам.

Хусусан, мазкур транзакциялар асосида 12 та янги мактабгача таълим ташкилоти қурилди ва 23 та болалар боғчаси реконструкция қилинди, 2 та янги мактаб барпо этилди ва 31 та мактаб таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, 7 та янги касалхона бунёд этилди ва 29 та шифохона таъмирланди, 16 ёшгача бўлган болалар учун 10 турдаги қарийб 20 миллион доза вакцина олинди, 14 та лойиҳа доирасида 82,8 километр узунлиқдаги каналлар реконструкция қилинди, 222 километр узунлиқдаги ичимлик сув ва каналлаштириш қурувлари тортилди.

Шу жумладан, қиймати салкам 4 триллион сўм бўлган Тошкент шаҳридаги янги ер усти айланма метроси қурилиши учун республика бюджетидан ажратилган харajatларнинг 922 миллиард сўм миқдори 2,5 триллион сўмлик облигациялар ҳисобидан қўллаб берилди.

2022 йилда юзага келган геосийсий ҳолат туфайли халқаро молия бозорларидаги барқарорлик бузилиши натижасида фоиз ставкалари кўтарилиб кетди. Масалан, АҚШ долларидида жойлаштирилган суверен облигацияларимизнинг даромадлиги иккиламчи бозорда 9,5 фоизгача ўсди. Албатта, бу мамлакатимизнинг олдинги йилларда жойлаштирилган қимматли қозғалари фоиз тўловларига таъсир қилмайди, чунки улар ўзгармас (fixed) ҳисобланади.

— Бугунги кунда жаҳон тенденцияси кўрсатмоқдаки, хоржий фонд биржаларида молиявий инструментларнинг юзлаб турлари амал қилмоқда, — дейди Банк-молия академияси кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Самариддин Элмирзаев. — Тошкент республика фонд биржасида эса олдин ва имтиёзли акциялар ҳамда қисман корпоратив облигациялар жойлаштирилган. Жаҳон иқтисодиётида иқлим ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда, глобал яшил тарақийётга интилиш нуктаи назаридан сўнгги йилларда “яшил” облигацияларни ҳам муомалага чиқариш, жойлаштириш ва жалб қилинган капитални яшил лойиҳаларга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида қуёш электр станциясини ишга тушириш бўйича Саудия Арабистонининг “Acwa Power” компанияси билан ҳамкорлиқда амалга оширилаётган лойиҳа, қатор тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиш бўйича “яшил” кредитлар таклиф қилинаётгани эътиборга молик, албатта.

Мамлакатимизда уларга қўшимча равишда “яшил” облигацияларни муомалага чиқариш ва жойлаштириш инфратузилма ҳамда атроф-муҳит билан

боғлиқ қатор лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. “Яшил” облигацияларнинг ҳам давлат, ҳам корпоратив эмитентлар томонидан муомалага чиқарилиши истиқболда фонд бозори инструментларининг ортиб боришига хизмат қилади.

Фонд бозорининг молия бозоридида ривожлантирилиши яқин истиқболда глобал рақобатбардошлик ўсиши ва иқтисодий тарақийёт жадаллашувини таъминлайди. Бу жараёнда хоржий инвесторлар фаоллигини ошириш эса самарадорлиқни янада юксалтиради.

ЖАРАЁН

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА

ФЕСТИВАЛИ

Шу ҳафта ўтказиладиган мазкур тадбирнинг аҳамияти хусусида

Азамат ТҲУХТАЕВ,
Ўзбекистон Меъморлар
уюшмаси раиси

2030 йилгача барча аҳоли пунктларининг бош режалари тайёр бўлиши, бунда аҳоли ва тадбиркорлар фикри ҳамда ташаббуслари инобатга олиниши керак. Бу мақсадларга эса келгуси етти йилда 2 триллион сўм йўналтирилади. Президентимиз бу хусусда ўз сайловолди дастурида алоҳида фикр билдирган эди.

Бошланғичи 1-бетда

Қайд этилганидек, шаҳару қишлоқларимизда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктуралар, транспорт ва муҳандислик тармоқларини ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, одамларнинг даромадини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада сўнгги 6 йил давомида олиб борилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу вақт ичида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида 537 та техник норматив ҳужжат, 255 та шаҳарсозлик норма ва қоидалари, 9 та техник регламент ишлаб чиқилди. 73 та меъморий стандарт замон талаблари асосида янгиланди.

Бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга оид 10 та норматив ҳужжат Европа стандарт-



лари асосида такомиллаштирилди. Натижада шаҳар ва қишлоқларимиз архитектура қиёфасини замон талаблари асосида ўзгариштириш учун шаҳарсозлик норма ва қоидалари ишлаб чиқилди. Бош режалар, намунавий лойиҳалар асосида ижтимоий инфратузилмалар, транспорт ва муҳандислик тармоқлари ривожлантирилди. Бу жараён бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Шунингдек, 2017 йилдан бошлаб шаҳар ва қишлоқлар учун алоҳида-алоҳида Давлат дастурлари қабул қилинди. Ушбу дастурлар ижроси таъминланишида чет эл тажрибасини ўрганишга ҳам эътибор қаратилиб, Бош лойиҳа институтларини жалб этган ҳолда, архитекторлар, қурувчилардан иборат гуруҳлар АҚШ, Бельгия, Греция, Италия, Нидерландия, Корея, Хитой, Германия, Беларусь каби давлатларда тажриба алмашиб қайтди.

Маъмурий ислохотлар доирасида шаҳарсозлик тегишли норматив ҳужжатлар тизимини яратилиб, улар соҳа фаолияти, яъни лойиҳалаштириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш, пудрат савдоларини ўтказиш, қуриш, қурилиш сифати устидан давлат назоратини олиб бориш, битган объектларни фойдаланишга қабул қилишда давлат бошқарувини самарали ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси” янгидан қабул қилинди. Шаҳарсозлик соҳасида янги таҳрирдиги кодекснинг аҳамияти жуда катта ва ушбу йўналишда бугун ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий-меъморий ҳужжатлар шунга асосланади.

Бунлар самарасини айна пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида қад қуларётган мухташам бинолар, саноят корхоналари, таълим муассасалари, турли иншоотларда қўриш мумкин.



Шу ўринда турар жойлар, ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаларини янгиланиши ҳисобга олган ҳолда, аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари (Бош режа, батафсил режалаштириш лойиҳалари, қуриш лойиҳалари) билан таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни тизимли амалга ошириш лозимлигини айтиш жоиз. Айна шу мақсадда мавжуд шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг 1370 та шаҳарсозлик ҳужжати, шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 1944 та аҳоли оғир маҳалланинг бош режа схемалари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида 2018-2022 йилларда 138 та шаҳар ҳамда 55 та қишлоқ аҳоли пунктларининг Бош ре-



жаси лойиҳалари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан, 316 та қишлоқ аҳоли пунктнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Жорий йилда яна 225 та шаҳарсозлик ҳужжати ҳамда 42 ҳудуднинг мастер режалари тайёрланади.

Умуман олганда, 2030 йилгача барча аҳоли пунктларининг бош режалари тайёр бўлиши, бунда аҳоли ва тадбиркорлар фикри ҳамда ташаббуслари инобатга олиниши керак. Бу мақсадларга эса келгуси етти йилда 2 триллион сўм йўналтирилади. Президентимиз бу хусусда ўз сайловолди дастурида алоҳида фикр билдирган эди.

Бугунги кунда юқоридида қайд этилган вазибалар ижросини таъминлаш борасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, илк мартабада Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг қисмларини ривожлантириш режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича жараён кечмоқда. Шу боис, шаҳарсозлик соҳасида фаолият юритган хоржий тажрибага эга муҳандислар маслаҳатчи сифатида Бош лойиҳа институтларига жалб қилиняпти.

Шу билан бирга, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимига — худудларда ер ажратиш, объектларни жойлаштириш-келиши, навбатчи бош режани юритиш ва жойларда Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашларининг иш фаолиятига тегишли ўзгаришлар киритилиб, ушбу йўналишда давлат бошқарувини самарали ташкил этиш юзасидан чоралар қўриляпти.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Халқаро МДХ давлатлари уюшмаси Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши доирасида энг яхши бинолар, лойиҳалар, архитектура, шаҳарсозлик йўналишидаги илмий ишлар ва талабаларнинг энг яхши ишлари учун аънаваний танлов ўтказилади.

ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

ЮКСАК ҒУРУР ВА МАСЪУЛИЯТ

назария ва амалиёт уйғунлигида оқланади

Муродхон ҚОДИРХОНОВ,
Наманган давлат педагогика институти проректори, кимё фанлари номзоди, доцент



Олдин муаллим деганда кўз ўнгимизда қирқ-қирқ бешта дафтари кучоқлаб, ҳали пахтага, ҳали кўча тозалашга чиқаётган инсон гавдаланарди. Ҳозир эса бошқача: замонавий, илгор, креатив гоёларга эга етук шахс намоеён бўлади. Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунни байрами муносабати билан йўллаган табригида ўқитувчи ва унинг жамиятдаги мақоми хусусида бундай деди: “Бу йил янги тахрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилгани бежиз эмас. Чунки жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири оша — мактабнинг обрўи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир”.

тутилди. Илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида қатор педагогик олий таълим муассасалари ташкил этилди. Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун Наманган давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари талабаларда таҳлил ва ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган методика, таълим дастурларини ишлаб чиқмоқда ҳамда ўқув жараёнига босқичма-босқич татбиқ этмоқда. Назария ва амалиётни уйғунлаштириш, педагог кадрларда компетенцияларга асосланган касбий кўникмаларни шакллантириш жараёни ўқитиш амалиёти ҳамда халқаро баҳолаш дастурларига мувофиқлаштирилмоқда.

Бугун дунёда етакчилик қилаётган хорижий давлатлар таълим тизимини амалиётга қўллаш замон талабидир. Шу маънода, институтнинг таърибли педагогларидан бири Муножатхон Асранбаева Финляндияда стажировка ўтади. Ушбу мамлакатнинг умумий саводхонлик даражаси юқори, ўқувчи-

лари табиий фанлар ва математика бўйича дунёда илгорлардан саналади. Айни пайтда дунё мамлакатлари педагоглари эътиборидаги ўқитиш таълими Финляндия таълим тизимини муваффақиятларга эришилди. Профессор-ўқитувчилар илмий ҳамда педагогик фаолиятда юқори натижаларни қўлга киритган бўлса, иқтидорли талабалар ҳам бир қатор ютуқларга эга бўлмоқда. Жумладан, “Талабалар театр студияси”, “Матрифат майдони”, “Интеллектуал олимпиада” танловларида муносиб иштирок этишмоқда. Талаба Акмалжон Абдуҷабборов вилоят ва республика миқёсидаги спорт мусобақаларида юқори натижаларни эгаллаётган бўлса, Абдурашид Болтабоев пара тазқондо бўйича ўтказилган “Олтин водий” кубоги мусобақасида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Фазлиддин Эркинбоев Испания ҳамда Руминияда ўтказилган бокс бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро турнирларда жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Ёшларнинг бу муваффақияти эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Ўтган ўқув йилида танлов ва мусобақаларда ютуғи тўғрисида талабалар 100 миллион сўмдан ортиқ пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Институтнинг илмий салоҳияти ҳам кундан-кун ошиб бормоқда. Хусусан, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Абдуҷаббор Қамбаров, мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Дилафруз Ориббоева ва Нодира Маҳмудова PhD илмий даражасини муваффақиятли ёқлади. Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти Дилбар Боймирзаева Инновацион ривожланиш агентлигининг ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировка-ларга юбориш бўйича ўтказилган саралаш танловида ғолиб бўлди ҳамда Германиянинг Бамберг университетиде бир ой муддатли илмий стажировка ўтаб қайтди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли буйруғига асосан, Наманган давлат педагогика институти бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этишга тавсия қилинди.

Фан ва амалиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқлик педагогикнинг умумий масалаларидан биридир. Уни қай тарзда ҳал этиш соҳанинг ривожланиши, педагогик инновациялар сифати ва маърифий жаҳони модернизация қилиш борасидаги ютуқлар, умуман, яхлит маърифий тизимнинг самардорлигига боғлиқ. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг “Педагогик таълим сифатини



“**Мамлакатимизда нафақат маънавий-маърифий, балки бошқа соҳаларда ҳам амалга ошириладиган ислохотлар, янгилинишлар айнан ўқитувчи шахси, касбий педагогик тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ бўлаётир. Бу эса педагогика йўналишида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларга юксак шараф келтириши билан бирга, зиммасига улкан масъулият юклайди.**

таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Дилафруз Ориббоева ва Нодира Маҳмудова PhD илмий даражасини муваффақиятли ёқлади. Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти Дилбар Боймирзаева Инновацион ривожланиш агентлигининг ёш олимларни етакчи хорижий илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировка-ларга юбориш бўйича ўтказилган саралаш танловида ғолиб бўлди ҳамда Германиянинг Бамберг университетиде бир ой муддатли илмий стажировка ўтаб қайтди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли буйруғига асосан, Наманган давлат педагогика институти бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этишга тавсия қилинди.

Фан ва амалиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқлик педагогикнинг умумий масалаларидан биридир. Уни қай тарзда ҳал этиш соҳанинг ривожланиши, педагогик инновациялар сифати ва маърифий жаҳони модернизация қилиш борасидаги ютуқлар, умуман, яхлит маърифий тизимнинг самардорлигига боғлиқ. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг “Педагогик таълим сифатини

ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде борадаги вазифалар аниқ-тиниқ белгиланган. Жумладан, педагог кадрлар тайёрловчи ОТМнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти “4+2” тартибиде, хусусан, дарсларнинг 4 кунли олий таълим муассасасида, 2 кунли мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибиде бўлиши кўрсатилган. Бу эса талабаларнинг ўқиш давридан бошлаб иш жараёнига мослашуви, етарли таъриб ортириши учун катта аҳамият касб этади.

Президентимиз Сирдарё вилоятида ўтказилган учрашувлардан бирида келгуси ўқув йилидан бакалавр педагог кадрлар тайёрлаш тўлиқ давлат грантига ўтказилиши, педагогика йўналишидаги ОТМлар алоҳида ёндашуви асосида ривожлантирилиши, магистратурада квота 2 қарра оширилиб,

тўлиқ давлат ҳисобидан бўлишини таъкидлади.

“Қадрлар етишмайди, таълим сифати оғир мактаблар олдиндан танланиб, улар учун мақсадли давлат буюртмаси жорий қилинади. Бунда, буюртма асосида ўқини тамомлаган ёшларга, ушбу мактабларда бориб ишлаши учун жозибадор рағбатлантириш тизимини йўлга қўямиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Бундан кўзланган мақсад 2030 йлга бориб, бошқа тарбиячи ҳам, мактаб ўқитувчиси ҳам — барчаси олий маълумотли бўлишига эришиш экани таъкидланди.

Мамлакатимизда нафақат маънавий-маърифий, балки бошқа соҳаларда ҳам амалга ошириладиган ислохотлар, янгилинишлар айнан ўқитувчи шахси, касбий педагогик тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ бўлаётир. Бу эса педагогика йўналишида фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларга юксак шараф келтириши билан бирга, зиммасига улкан масъулият юклайди.

НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯ МАКТАБИ

замонавий андоза ва таърибалар асосида такомиллашмоқда

Абдусамат ҲАЙДАРОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Дипломатик академия директори



Президентимизнинг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, ўтган йил ноябрда ЖИДУ ҳузурида Дипломатик академия ташкил этилган эди. Бунинг ўзига яраша қатор асосли сабаблари бор, албатта. Хусусан, қарорда Дипломатик академияга Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, дипломатик кадрлар, жумладан, юқори бўғин дипломатлари (элчи ва маслаҳатчилар)ни тизимли равишда тайёрлаш вазифаси юкланган.

Мазкур топирик ижросини таъминлаш мақсадида яқинда академияда юқори бўғин дипломат кадрларни тизимли асосда тайёрлаш бўйича бир йиллик курс очилди. Машғулотлар ўтиш учун муассасага юртимизнинг хорижий давлатларда катта илмий-амалий таърибга тўплаган етакчи олимлари, энг яхши амалиётчи ва экспертлар таклиф этилди. Бу масалада Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ёрдам бермоқда.

Келгусида хорижлик нуфузли эксперт ва мутахассисларни ҳам фаолиятимизга кенг жалб этиш назарда тутилган. Чет элдаги етакчи муассасалар

билан ҳамкорликда қўшма дастурлар, таълим жараёнига масофавий ўқитишни кенг татбиқ этиш, хорижлик элчилар, Тошкентдаги халқаро ташкилотлар раҳбарларини таклиф қилиш орқали бу мақсадни рўёбга чиқариш кўзда тутилган.

Бир йиллик курснинг илк тингловчилари учун ҳинд ҳаммасларимизнинг Ҳиндистон ташқи сиёсати ва икки томонлама ҳамкорлик масалалари ёритилган онлайн форматдаги тақдимоти ўтказилди. Тақдимотни илгари Ҳиндистоннинг Суринам, Қозоғистон, Финляндия ва Эстониядаги дипломатик миссияси бошлиғи бўлиб хизмат қилган,


ҳозир Ҳиндистон — Марказий Осиё жамғармаси президенти, элчи Ашок Шарма ўтказди.

Тақдимотда Марказий Осиёнинг нуфузли мутахассисларидан бири, мазкур жамғарма директори, доктор Рамакант Двиеди ҳам иштирок этди. Шу ўринда элчи Ашок Рагунатнинг кўмагини алоҳида қайд этиш зарур. Бу шахс олдин Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаган, академиямиз билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Маниш Прабхатнинг ҳам мунтазам ёрдам берганини эътироф этиш даркор. У дипломат кадрларни қайта тайёрлаш бўйича уч ойлик курсимизда маърузалар ўқиди.

Фаолиятимизни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун хорижий мамлакатларда шундай академиялар билан ҳамкорлик ўрнатилган давр талаби. Хусусан, хориждаги дипломат кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият юритаётган етакчи таълим ташкилотлари билан қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш академия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири. Шунинг хисобга олиб, ўтган қисқа муддатда Корея Республикаси, Саудия Арабистони ва Италия дипломатик академиялари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Миср, Қатар, Исроил билан ҳамкорлик меморандумлари лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ўқув муассасамизда юқори бўғин дипломат кадрларни тайёрлаш курсларидан ташқари малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича бошқа курслар ҳам мавжуд. Дипломатик академия турли вазирлик ва идоралар талабига кўра, қисқа муддатли курслар




ташкил этади. Хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги талабига мувофиқ, чет элга хизмат сафарига кетаётган ва маъмурий-техник ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун қабул қилаётган давлатнинг дипломатик протоколи ва этикетининг ўзига хос хусусиятлари, у ерда яшаш тартиби, маҳаллий аҳоли билан гаплашиш қоидалари билан таништиришга йўналтирилган курслар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарлари, ташқи сиёсий, иқтисодий ва халқаро-ҳуқуқий фаолият соҳасидаги мутахассислар ҳамда ходимларни қисқа ва узоқ муддатли ўқув курсларида тўлов-шартно-

ма асосида, шу жумладан, масофавий тарзда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятини дипломатик кадрлар билан таъминлаш, соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, дипломат кадрларни саралаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва захирасини яратишга қаратилган юксак эътибор тўғрисида Дипломатик академиямиз қисқа муддатда салмоқли натижаларга эришди.

Мана шундай эътибор натижасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, шунингдек, Дипломатик академияда юртимизнинг жаҳон сиёсати, халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро ҳуқуқ масалалари бўйича етакчи олимлари, амалиётчилари ва экспертлари йилгиланган. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек дипломатия мактаби ташкил этилиши танлови тўғрисида бўлганини амалда кўрсатмоқда.



Маърифат

БИНОСИНИ ТИКЛАР ЭЗГУЛИК ФИШТИ

МУНОСАБАТ

Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Барқарор ривожланиш мақсадлари"га уйғун ҳолда "Ўзбекистон — 2030" тараққиёт стратегияси асосида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимиздаги илм-маърифат, бағрикенглик, ҳамжихатлик ва тинч-тотувлик ғоялари асосига қурилган. Яқинда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқини эътибор билан тингладим. Назаримда, давлатимиз раҳбари замонавий дунёда инсоният олдидаги барча муаммо ва таназуларнинг ечими улғу мутафаккир бобомиз Имом Бухорийнинг "Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай" деган ҳикमतларида эканини яна бир бор жаҳон бош минбарига қайта уқтиргандек бўлди.



яни тўсиқлар вужудга келиб, ҳатто иклим ўзгаришлари, очлик ва тенгсизликка қарши кураш сингари бутун башарият тақдирига дахлдор масалаларда ҳам ўзаро ҳамфикрлик издан чиққан даврда ўтказилаётган глобал дунёнинг нечоғли хавфли нуқтага келганидан дарак бермоқда.

Бу эса дунё мамлакатлари, халқлар ва инсонлар ўртасида ҳамжихатлик ва ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни ҳар қандай зиддиятдан устувор қўйган ҳолда, дўст-иноқ бўлиб

бирлашиш ғояси ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканини кўрсатмоқда.

Бу борада Ўзбекистон томонидан мамлакатимизнинг ташқи сиёсати, иқтисодий, таълим-фан, маънавий-маърифий, ҳуқуқий эркинлик ва диний бағрикенглик соҳаларидаги ислохотлари самараси аниқ мисолу далиллар асосида исботлангани дунё ҳамжамиятининг юртимизга эътибори ҳамда ҳурматини яна бир қарра оширгани шубҳасиз.

Зотан, юртимизда ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлатни барпо этиш борасидаги қатъий ва узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил сиёсат асосида "Инсон кадри ва манфаатлари учун" деган эзгу ғоя устувор бўлиб бормоқда. Шунга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш орқали унинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Буни эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Биз ҳамма учун очик ва сифатли таълимни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омили, деб биламиз", деган фикрлари мазмунидан англаб олиш мумкин.

Аслида, мажбурий ва болалар меҳнатига қатъий ирода билан барҳам берилиши, яъни миллионлаб ҳамюртларимиз қаторида ўқитувчи ва шифокорлар, айниқса, мактаб ўқувчиларининг "пахта қуллиги"дан озод этилиши юқорида санаганимиз — адолат ва илм-маърифатнинг қадр топгани эмасми?!

Бу эса мамлакатимиз юзини дунёга ёруғ кўрсатиб, ёш авлод эртанги келажагига мустаҳкам пойдевор қўйишига куч-қувват бағишламоқда. Болаларнинг соғлом дунёга келиши, бахтли оила бағрида, ёруғ ва шинам хонадонларда камол топиши учун соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларнинг бутун эътибори қаратилган. Таълим-тарбиянинг болага илк ёшдан ҳамонавий талаб ва стандартлар асосида берилиши учун ўтган олти йилда мактабга-ча таълимдаги қамров 21 фоиздан 70 фоизга етказилди. Ушбу тафовулни икки рақам ортда миллионлаб болаларнинг бахтли келажаги борлигини фарзанди қувончи ва илк кичик ютуғидан севинон ҳар бир ота-она чуқур ҳис этишига аминман.

Мактаб таълими тизимидаги янгиликлар янада қамровли ва залвори улғу, десак, қиёсан хато бўлмайд. Зеро, сўнги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги услуб ва мазмундаги дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратилди. Ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, малакасини ошириш ва албатта, муносиб иш ҳақи тўлаша алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация қўлирига айланиб, унга қизқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда. Давлатимизнинг яхши қўшнчилиги, барқарорлиги, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш йўлидаги



Ёруғ орзулар ва улғу мақсадлар билан мактабларни битирган ёшларнинг қарийб 90 фоизидидаги эзгу умидлар бир баҳада сўнишига қўп йиллар кўниги баяжганимиз ҳам, афсуски, аччиқ ҳақиқат. Бундай вазият ортдан мамлакатда илм-фан, таълим-тарбия, маънавий ва маърифат таназзули кескинлашиб, жамиятда иқтисодий-ижтимоий муаммолар урчиши табиий эди...

Минг шукрки, бугун ушбу оғир вазият ҳам тўғри ва адолатли қарорлар асосида ўнганмоқда. Жумладан, ҳозирда ёшларимизнинг олий таълимга қамрови 9 фоиздан 38 фоизга етди. 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага

қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилиши борасидаги муҳим ҳар бир юртдошимиз қаторида менинг қалбимни ҳам фаҳрга тўлдирди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация қўлирига айланиб, унга қизқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда. Давлатимизнинг яхши қўшнчилиги, барқарорлиги, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш йўлидаги

сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иклим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атропо-муҳит ифлосланишининг олдини олиш бўйича муштарак мақсадларни бирлаштиришдек эзгу фикрлар мужассам бўлди. Айниқса, Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартарф этиш борасида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётгани таъкидланган ҳолда, бу сая-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, экстремизм балоси тарқалишига, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик учун биргаликда курашиш борасида юртимиз таърибида ўртоқлашиб, янада самарали фаолият юритишига ҳамкор, ҳамфикрликнинг долзарблиги кўрсатиб ўтилди. Айниқса, сўнги йилларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломомфобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмастлиги олий минбардан яна бир бор дадил қайд этилди. Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжихатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш тақлифи эса барчанинг эътиборини торгани таъбиҳасиз.

Зотан, маърузада таъкидланганидек, "...Диёримиз жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган, исломни илм-маърифат ва тинчлик дини сифатида намоён этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари улғу аллома ва мутафаккирлар ватани экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шундай буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда "Ислом — тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурадимиз.

Албатта, ушбу ташаббусларда ҳам илм-маърифат ва тинчлик-тотувлик бир ўзақда ифодалангани юртимизда, том маънода, Учинчи Ренессанс пойдевори мустақамлашаётганини дунёга яна бир бор овоза қилди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг бу дадил қадимлари айтиб давр тарихини яратётган маърифат биносига қўйлаётган эзгулик фишларидир, десак адашмаган бўламиз.

МУЛОҲАЗА

МИГРАЦИЯНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

ҚИЙНАЛИБ ТОПИЛГАН ПУЛ НИМАГА САРФЛАНЯПТИ?

Шахло АҲРОРОВА, Республика маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими

Фалончи Россия, Туркия ё Европага кетибди, деган хабарлар бугун ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Ҳа, ишлагани кетибди-да, деб қўя қоладиган бўлди. Фалончи ўғли ё эрининг ҳар ойда жўнатаётган пулига уй қурдирапти ёки таъмирлатаяпти, тўйга ҳозирлик кўряпти, деган хабарлар ҳам қундалик гап-сўзга айланди. Нима бўпти, меҳнат қилган, ҳалол пул топяпти, деган гап кўнглимизни хотиржам қилгандай бўлади. Гоҳида улар ишлаётган мамлакатда мигрантларга салбий муносабат, ҳақ-ҳуқуқлар поймол этилаётгани ҳақидаги миш-мишлар диллимизни хира қилади. Бу миграция масаласи дунё бўйлаб жуда жиддий сиёсий-ижтимоий масала эканини эслатиб туради.

Ҳўш, миграция нима? Нима учун у бугун барча мамлакатларни ташвишга соладиган масаласига айланди? Бу ихобий ҳодисаи ёки салбий?

Миграция "кўчиб ўтиш" маъносини англатиб, нафақат аҳолининг кўчиши, балки ҳайвонлар ва қушларнинг ҳам яшаш муҳити тақозоси билан бир географик макондан бошқасига ўтиши (ҳайвонлар миграцияси), кимёвий элементларнинг Ер қобиғи ёки юзасида ўз жойини ўзгартириши (элементар миграцияси), энергиянинг бир заррадан бошқа заррага ўтиши (энергия миграцияси), капиталнинг бир мамлакатдан бошқасига чиқиб туришига нисбатан ҳам қўлланади.

Унинг турлари жуда кўп. Мамлакат ичида бир ҳудуддан иккинчисига кўчиш ички миграция дейилса, мамлакат ташқарисига чиқиб кетиш таъқи миграция дейилади. Шунингдек, ҳуқуқий асосига қўра легал ва нолегал, вақт мезонларига қўра доимий ва вақтинча миграция мавжуд. Вақтинча миграциянинг ўзи ҳам мавсумий (масалан,

пахта мавсумида кўчиб келиб ишлаш ёки четга мавсумий иш учун чиқиш), тебранувчан, яъни тез-тез ўзгариб турадиган ҳамда тасоодий (кутилмаганда кўчиш) миграциядан иборат.

Бизни ташвишлантираётган жиҳат эса таъқи миграция, яъни юртдошларимизнинг Ватандан четга вақтинча ёки доимий кўчиб кетаётгани ва ҳолатнинг маънавий қиёфаси масаласи. Бу каби миграция сабаблари аслида хилма-хил, уларни ўрганиш эса жамият барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим.

Ҳўш, одамлар нега четга чиқади? Тўғри, биринчи сабаби — ишлаб пул топиш учун. Бугун дунё бозорида иқтисодий интеграция кўчайиб бормоқда. Шунингдек, ривожланмаган, ривожланаётган ва ривожланган давлатлар ўртасида нисбат ўлчови ошиб бориши қўлоқ давлатлардан тараққиёт этган давлатларга меҳнат мигрантлари тобора кўпроқ интилишига замин яратмоқда. Бозор иқтисодиёти рақобат ва ишсизликни ҳамийша ўзи билан етаклаб юради. Муста-



қилқидан кейин жамиятимиз тизимидаги беаёв ўзгариш ва узилишлардан сўнг мустиқил тарзда оёққа тура бошлаган Ўзбекистон ҳам иқтисодий таназзул синваларидан бебаҳра қолмади. Турган қанча, бозор иқтисодиёти талабларига тайёр бўлмаган, даромад манбаидан мосуво ишчилар синфи юзага келди. Мана шу қатлам вакиллари иш излаб, даромад топиш учун нисбатан ривожланган ва меҳнат бозоридан ишчи қўчига талаб юқори мамлакатларга боради. Айримлари яққа ўзи, айримлари эса оила-си билан кетади.

Лекин дунёда миграциянинг бошқа сабаблари ҳам бор. Ўз мамлакатидан сиёсий беқарорлик, уруш ва террорчилик ҳаракатлари тўғрисида одамлар Ватанини тарқ этишга мажбур бўлади, тинч бошпа-на излайди. Шу маънода, қочқинлар оқими тобора ортиб бораётгани, турли ноқонуний йўллар билан бўлса-да, Европа мамлакатларига кибри боришга уринаётгани ва бу йўлда қўллаб қўрбонлик берилаётгани

Европани хиёла ташвишга солиб қўйган. Буни ҳаммаиси оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардаги турли хабарлар орқали кузатиб турибмиз. Мана шу кабиларни кўриб, кўпинча Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорлик учун шукрона ҳам келтириб қўямиз.

Баъзан қандайдир оқимларга қўшилиб ёки улар ортдан эргашиб, қайсидир сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда четга чиқишлар ҳам кузатилади. Миграциянинг бу тури ҳар қандай жамият учун хавфли. Бундай мақсадлар ортида, асосан, сиёсий ўтнатиришлар, террорчилик ҳаракатлари, радикализм каби кўнглисизликларни кўриш мумкин. Ёки ишлаш учун чиқиб кетиб, ҳуқуқий билимдаги савзлик, ғоявий бўшлиқ тўғрисидаги борган мамлакатдаги туруй бузғунчи мафқуралар тузўғига тушиб қолаётган ва радикал оқимлар ортидан эргашаётганларни ҳам қўраимиз.

Бундан ташқари, миграция сабаблари шунчаки туризм ва саёҳат, таълим олиш ёки саломатлиқни тиклаш масалалари бўлиши мумкин. Бирок бугун четга чиқаётган юртдошларимизнинг кетишига асосий сабаб ишсизликдир. Келинг, шу ўринда рақамларга мурожаат қиламиз.

Бандлик ва меҳнат вазирилиги маълумотлари кўрсатишича, Ўзбекистонда 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра ишсизлик даражаси 9,6 фоизни ташкил этиб, аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоиз камайган бўлса, 2021 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан 0,2 фоиз ортган. Бу кўрсаткичлар ортида миллионлаб одам тақдир турганини ҳам яхши биламиз. Мана шу қатлам вакилларининг ҳуқуқий вақолатларини таъминлаш, уларга қўмаклашиш орқали мамлакатимизда ишсизликни камайитириш учун Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги чет мамлакатлар билан мулоқот ўрнатиб, юртдошларимизни хавфсиз, қонуний иш ўринларига йўналтириш чораларини кўриб келади. Маълумотларга қараган-

да, ўтган йилнинг олти ойида Сербияга 410 нафар, Германияга 31 нафар юртдошимиз ҳуқуқий шартнома асосида юборилиб, ишга жойлаштирилган. Айни вақтда Россияда 2 миллиондан ортқ ҳамюртларимиз меҳнат қилаётгани айтилади.

Улар орасида оғир шароитда меҳнат қилаётганлар ҳам бор. Жуда қийналиб, соғлигини бой бериб пул топадиганлар ҳам кам эмас. Ҳўш, кейин-чи? Келиб, бу пулни нимага харж қилишди? Албатта, тўйга! Эллик меҳмон билан ҳам нишонлаш мумкин бўлган бахтли кўнларимизни дабдабга айлантириб, ўзимизни кўрсатамиз. Энг ёмон, мана шу ортиқча расм-рўсул, бизни четга чиқиб ишлашга мажбур қилаётган дабдабани "элчилик, қадрият" деб, нотўғри талқин қиламиз. Ҳеч қачон "Кел, жонимни, соғлигимни хатарга қўймасдан, шу тўйни кичикроқ, камхарж қилиб ўтказай. Қолган пулни болаларимизнинг ўқишига, келажагини таъминлашга сарфлай", демаймиз. Бир-ики йил қийналиб топганимизни бир кунда сарфлаймиз-да, яна хуржунимизни елгага илиб, чет элга кетамиз. Аслида, миграция деганининг маънавий оғриқли томони мана шу!

Ҳўш, мигрантларга осон деб ўйлайсизми? Осонмас, бунга яхши биласиз. Нолегал ишлаётганларнинг меҳнат ҳуқуқи қафолатланмаган. Чўчки биринчи гада, улар етарлича ҳуқуқий билимга эга эмас. Иккинчидан, нима бўлганда ҳам маҳаллий аҳоли учун улар муҳожир. Шу боис, мигрантнинг сингирмасликлари, унга босим ўтказишлари мумкин. Демак, ичидан зил кетса ҳам, маънавий хўрликка чидашга мажбур. Чўчки бир-ики йилдан сўнг яна Ватанга қайтиб, топганини "тўй" деган ююга едириб, ҳа-вога сочиб келиши керак! Назаримда, тўй ва бошқа маросимларни (жумладан, ҳозир

ҳожиларни кўтиб олиш билан боғлиқ турли-туман, маънавий-маънависиз тадбирларни) кескин қисқартирсак, миграция оқими ҳам кескин пасаярди.

Кўпинча ҳамюртларимиз чет элга ҳалоллиги, меҳнатқашлиги билан хўрмат топгани ҳақидаги хабарларни ошитганимизда кўнглимиз хотиржам тортади ва "ҳалоло бўлсин", деб қўямиз. Бирок кўнглини хира қиладиган ҳолатлар ҳақидаги хабарни эшитганимизда ичимиздан зил кетамиз. Бағримиз қонангадан бўлади. Чўчки ҳар бир инсон ўз юрти чегарасидан ташқарига оёқ босдим, мамлакатнинг юзига айланади. Агар у ёмон бўлса, мусофир юртда-тинчлик наздида, мигрантнинг мамлакатидан-гилар ҳам ёмон. Башарти у ҳалол ва мард бўлса, хорикликлар учун барча ўзбек мард ва танти бўлиб қўринади. Шу оддий ҳақиқатни билмаслик ҳуқуқий саводсизликдан ўн қарра оғир, аслида! Чет элга чиқиб, ахлоқсизлик, одам савдоси, гиёҳвандлик ёки террорчилик ҳаракатлари содир этаётган жуда камчилик қўллаб-қувватлаш ола-сингилари, мард ва олижаноб ака-укаларни юзига кетмайдиган доғ чаплаётганини билмаётгани ёки билла туриб шу ишни қилаётгани ўта ноқонуний ва маънавий тўбанликдир. Бу ҳам миграциянинг энг оғриқли нуқта-ларидан.

Ривожланган давлатга айланмагунча қадар ҳар қандай мамлакат учун таъқи миграция — таъбий жараён. Чўчки унда иш ўринларига нисбатан ишчи қўчи кўпроқ. Уларнинг ҳаммасини муносиб иш билан таъминлашга имкон етарли бўлмайди. Одамлар эса пул топиши, оиласини боқоши керак. Бунинг учун, албатта, ишлаши лозим, ҳатто мусофир юртда бўлса ҳам. Бу хато ёки фожиаси эмас, таъбий ҳолат. Фақат мигрант ноқўра жатти-ҳаракати билан юртдошларининг юзига оёқ босса, миллати шаънини топтаса, мана шу хато ва маъна-вий фожиа бўлади. Шунинг учун миграция-нинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-мафқуравий жиҳатлари ҳақида жиддий ўйлаб қўриш, керак бўлса, илмий таҳлил қилиш бугун жамият олдида турган энг долзарб масала-лардан биридир.



GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН MAZKUP QR-KODНИ SKANER ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январь 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
43312 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусаххис: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўқотчи қўчаси, 32-уй